

## **INFORMATION SECURITY AMONG YOUNG PEOPLE IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION: MASS CULTURAL AND SPIRITUAL THREATS**

Diyorov Ogabek

Student of Samarkand State Institute of Architecture and Construction,  
Direction 201 "Safety of life", Samarkand, Uzbekistan

Kamalova Mahfiza Shamsidinovna

Assistant of the Department of "Life Safety" Samarkand State Institute of Architecture and  
Construction, Samarkand, Uzbekistan,  
Nafisakamalova5@gmail.com tel: 998 91 5541737

### **Annotation:**

The article discusses the impact of information attacks and moral threats on young people in today's globalization process, and how to protect our youth from unhealthy information.

**Keywords:** Information security of young people, moral threats, information and psychological impact, prevention of information attacks, formation of ideological immunity

**Кириш.** Бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб замонда яшамоқдамиз. Мутахассислар бу тезкор даврни “оммавий ахборотлашув” ёхуд “глобаллашув асри” дейишмоқда. Негаки, ер юзининг қайсидир бир чеккасида юз берган воқеадан бир неча сония ичида бутун дунё хабар топмоқда. Бу эса шубҳасиз матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролининг ошиб бораётганидан далолат беради. Ҳар қандай матбуот жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар, янгиланишларни тўлалигича, холис ва ҳаққоний акс эттирмоғи лозим. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “...бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдида ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда”. [2]

Глобаллашув жараёни авж олгани сари одамларнинг ахборот олиш, тарқатиш ва қилишга бўлган талаблари тобора ортмоқда. Ўзбекистонда ҳам интернетдан фойдаланувчилар сони ҳозирда 14 миллиондан ошди. Уларнинг аксарияти ёшлар эканини ҳисобга олсак, бу ҳолат барчамизни янада огоҳ ва сергак бўлишга ундайди. Дарҳақиқат, ҳозир бир неча давлатлар ядро қуролини ишлаб чиқариш бўйича ҳаракатида бўлса, бир қатор мамлакатларда эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб боришмоқда. Ахборот хуружининг ёлғон хабар тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, менталитетга мутлақо тўғри келмайдиган қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда.

**Усул ва услуб.** Интернет дунёни ягона ахборот маконига айлантирган ҳозирги даврда тўғридан-тўғри давлат, жамият ва шахсга қаратилган таҳдидлар кўпайиб кетмоқда. Уларнинг таъсир кўрсатиш йўллари хилма-хил. Айниқса, тарихий шахсларга маънавий таҳдид қилишда турли усуллардан фойдаланилмоқда. Юртимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган 439-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунида “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шавқатсизликни тарғиб қилишдаги ҳатти-ҳаракатлар таъқиқланади[2]. “Ахборот хуружи” аввало одамлар, айниқса ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиб, юрт осойишталигига ва жамият барқарорлигига путур етказди. Билинтирмай онга таъсир кўрсатадиган ахборот шахс, оила ва жамиятни ўз қомига тортаверади. Давлат тараққиётига, биринчи галда, маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, ахборот қандай мақсадда тарқатилганини, унинг ижобий ёки салбий, фойдали ёки зарарли жиҳатларини фарқлаш учун одамлар онги ҳамда маънавияти юксак даражада бўлиши лозим. Ахборот таҳдидларининг энг хавфлиси – давлат сиёсатини таъминлашга қаратилганидир. Шахсга нисбатан қилинган хуруж тор доирани камраб олса, давлат ва жамиятга таҳдид бутун бир мамлакат, халқ тинчлигини хавф остига қўяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммони юзага келтириши мумкин.

Ахборот хуружларига қарши курашнинг самарали йўлларида бири – мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлашидир. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари янада хорижий манбаларга мурожаат этишлари мумкин. Инсон психологиясининг шундай бир хусусияти борки, агар у бирор бир воқеа бўйича уч-тўрт соат ичида маълумот ололмаса, пайдо бўлган бўшлиқни ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар тўлдиради. Шу боис, ахборот асрининг муҳим шартларидан бири – давлат ва жамиятнинг барча бўғинлари учун тезкор ахборот алмашинувини таъминлашдир. Ҳар қандай ахборот инсонга турли даражада руҳий (психологик) таъсир кўрсатади. Ахборотнинг таъсирчанлиги шу даражадаки, у инсон дунёқарашини ва ҳатто фикрлаш даражасини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу жараёнда салбий ахборот инсон фикрини, ҳатто феъл-атворини ҳам номуносиб томонга ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Инсон ахборотсиз яшай олмайди. У доим янгиликлар эшитишга эҳтиёж сезади. Шу ўринда айтиш жоизки, кўпчилик негадир кўпроқ салбий ахборотларни эшитишга мойил бўлади. Айтайлик, замонавий кўп қаватли иморат бунёд этилгани ҳақидаги ахборотнинг қизиғи йўқдек туюлади. Одамлардаги ана шу “эҳтиёж”ни яхши билган айримлар имкон қадар сунъий равишда бўлса-да ошириб-тошириб, бўрттириб тарқатишга ҳаракат қиладилар. Бу билан улар ўзларини ҳозиржавоб, ҳақиқат жарчиси қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Ишонувчан одамлар онгига шу тарика таъсир кўрсатиб, номаъқул ғоянинг ҳам “тўғри эканлигини” исботлашга уринадилар.

**Мулоҳаза ва таклифлар.** Ахборот хуружлари шароитида инсоннинг психологик ҳимояси қай даражада бўлиши аввало ўзига боғлиқдир. Ўзбекистонга четдан бўладиган “ахборот хуружлари”нинг асл мақсадлари барчага бирдек аён бўлиши лозимдир. Бундай ҳаракатлар асосан хорижий оммавий ахборот воситалари, турли нодавлат ташкилотлар, сиёсий кучлар, гуруҳлар ва ҳоказолар томонидан амалга оширилиши кузатилмоқда. Аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги, фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаётганлиги ва фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши, ахборот бозори қандай ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги, фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ололмаслиги ҳамда юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Интернет орқали одамлар ер юзининг исталган жойидаги кишилар билан алоқа ўрнатиши, қатор сайтларга ахборотини жойлаштириши мумкин. Бундай мўъжизакор имкониятлардан баъзилар ғаразли мақсадларда фойдаланиб, “ахборот хуружи”, ахборот-психологик ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қилмоқда. Ахборот-психологик ҳужумнинг инсон руҳиятига салбий таъсири ҳақида кўп фикрлар илгари сурилаётгани бежиз эмас. Оққўнғил, содда ва ишонувчан кишилар матбуотда босилган, телевидениедан, радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарашидан усталик билан фойдаланиб қоладиган ва “ахборот хуружлари” уюштирадиган кимсаларга бепарқ қарамаслик учун нима қилмоқ керак, деган саволга мухтасар жавоблар ҳам кўп.

Ёшларнинг қалбида келажакка ишонч туйғусини ошириш учун уларнинг асосли ва ҳаққоний маълумот ва ахборотларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу борада оммавий ахборот воситалари бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнларини ҳар томонлама чуқур, таъсирчан усуллар орқали ёритиб бориши зарурдир. Оммавий ахборот воситалари эса эл-юрт манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши лозим [3].

Ахборот глобаллашувининг жаҳон миқёсидаги жараёнларида мамлакатлар иқтисодиёти ва ҳаёт соҳаларида кенг жорий этиш зарурлигини, балки ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш шартларини ҳам тақозо этади. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро хавфсизлик тизимида кўшилган.

Ахборот-психологик хавфсизлик – бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир, бузғунчи ғояларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Ахборот-

психологик хавфсизликка риоя қилинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузгунчи ғоялар миллий кадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган халқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши муқаррар. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказди. Ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини ошириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва услубларининг тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашиб қолади. Ахборот-психологик ҳимоя етарли даражада таъминланмаган жамиятда турли таҳдидлар одамларда кўрқув, ҳадик ва ишончсизлик туйғуларини пайдо қилаверади. Ахборот-психологик хавфсизлик ҳар қандай ёт, бузгунчи ғоялар, мафкуравий таҳдидларнинг салбий таъсирини йўққа чиқаришга хизмат қилади. Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш учун ташкилий-техник жиҳатдан таъминланган бўлиш, замонавий техника ва технологиялар билан етарли даражада қуролланиш зарур. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш моҳиятини теран англайдиган соҳа ходимлари имкониятларини кенгайтириш, замонавий ахборот технологиялардан самарали фойдалана оладиган билимларга эга, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир[4].

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

- маълумотларни узатиш тармоқлари, телекоммуникация тармоқлари, телевидение ва радиоэшиттиришлар ва ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш учун шароит яратиш бўйича давлат сиёсатини олиб бориш ва стратегик устуворликларни амалга ошириш;
- ахборот хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш ва қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- маълумотлар узатиш тармоқларини яратиш бўйича лойиҳаларни экспертизаси томонидан ахборот ресурсларини чуқур муҳофаза қилиш ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги;
- ахборотни муҳофаза қилиш ва ахборот хавфсизлиги соҳасида телекоммуникация корхоналари, операторлар ва маълумотларни узатиш тармоқлари провайдерлари фаолиятини тартибга солишни ташкил этиш;
- илмий ва маркетинг тадқиқот ишларини ташкил этиш, стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун меъёрий ҳужжатлар мониторинги;
- ахборот хавфсизлиги воситаларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича ягона шартлар ва талабларни ишлаб чиқиш;

-ахборотни муҳофаза қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илғор хорижий тажрибани мунтазам ўрганиш, уни маълумотлар узатиш тармоқларида тезкор жорий этиш;

-ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, телекоммуникация тармоқларини, ахборот тармоқларини ва ахборот ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини, шу жумладан телекоммуникация тармоқларида, телевидение ва радиоэшиттириш ва ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

-ахборот хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг маълумотлар узатиш тармоқларида ташкилий-техник шартларни амалга ошириш.

Юқоридаги санаб ўтилган тадбирлар Ўзбекистон ёшларининг тараққиёт сари дадил одимлаб боришига “ахборот хуружи” каби ташқи таъсирлардан доимо асраш ва улар қалбида “мафкуравий иммунитет”ни оширган ҳолда Ватанга садоқатли қилиб камолга етказиш учун жуда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Тобора авж олиб бораётган “ахборот хуружи” ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказиши шак-шубҳасиз. Шундай экан, жамият тараққиётини ҳал қилишга қодир бўлган ахборот тизимини тўғри бошқариш ғоят муҳимдир. Бу муаммоларнинг ижобий ҳал этиб борилиши ўз навбатида юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Табаррук заминимиз – она Ватанимизнинг қадрига етиш лозим. Юрт тупроғи нечоғли табаррук ва азиз эканлигини ёш авлод қалбига буюк аждодларимиз маънавий жасоратини улуғ мерос сифатида сингдириш ўта муҳимдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 йил, 03/18/476/1087-сон) қарори
2. Мирзиёев Ш.М. “Ёшларни тарбиялашдаги муҳим бешта ташаббус тўғрисида”ги маърузаси. 2019 йил 19 март -Т.“Ўзбекистон” .
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – 201 б.
4. Stamp Mark. Information security: principles and practice. USA-2011.